

# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2021 йил 28 сентябрь, № 207 (7987) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ИНСОН ҚАДРИНИ ТИКЛАШ ВА ХАЛҚИМИЗНИ РОЗИ ҚИЛИШ — ИСЛОХОТЛАРИМИЗНИНГ ПИРОВАРД МАҚСАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудлардаги бунёдкорлик ишлари, маҳаллалар ҳаёти билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 27 сентябрь куни Наманган вилоятида бўлди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Наманган шаҳрининг Давлатобод туманидаги "Юксалиш" sanoat шахарчасида бўлиб, "Glass expo" масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан танишди. Бу ерда ойнага миллий нақшлар ва замонавий дизайнлар асосида ишлов берилди. Корхона 2019 йилда ишга туширилган ва илчил ривожлантириб борилаётган. Бу вилоятда ойна маҳсулотларини маҳаллийлаштириш, импорт ўрнини тўлдириб муҳим омил бўлмоқда. Корхона тўла қувват билан ишга тушгач, йилга 1 миллион 200 минг долларлик маҳсулот экспорт қилиш имконига эга бўлади. Президентимиз корхонадаги иш жараёни, маҳсулотлар намуналарини кўрди.

Шу ерда тадбиркорлар билан мулоқот бўлди. — Ўзбекистоннинг эртанги куни — тадбиркорлар. Биз беш йил давомида сисёат нуктаи назаридан ҳамма бозорни очиб беришга ҳаракат қилдик. Энди сизлар сифат, рақобат, экспорт бўйича ишлашингиз керак. Режаларингиз банд бўлиши, хар кун ишланганингни зарур. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги бунда сизларга қўмақдос бўлади, лойиҳаларга инвестор бўлиб қиради. Август ойида тадбиркорлар билан очик мулоқотда ана қўллаб-қувватлашнинг белгилаб олдик. Келгусида улар бўйича қарорлар қабул қилиниб,

қўшимча шароитлар яратилади. Муҳит шундай бўлиши керакки, ишчи ёшлар тадбиркорга, кичик тадбиркорлар катта, жозибдор инвесторга айланиши керак, — деди Президентимиз. Давлатимиз раҳбари Юксалиш маҳалласига аввал ҳам келган, ҳудудни sanoat шахарчасига айлантириш, бу ерда яшовчи аҳоли учун иш ўринлари яратиш юзасидан кўрсатмалар берган эди. Бу галги таширф чоғида Шавкат Мирзиёев ҳудудда амалга оширилган бунёдкорлик ишларини кўздан кечирди. Охириги уч-тўрт йилда маҳалла улкан бунёдкорлик майдонига айланган. Бу ерда 71 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилган. Жорий йилда 5 та, келгуси йили 11 та кўп қаватли уй қуриб битказилади.

Тадбиркорларга замонавий шароитлар яратиш, аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида мазкур ҳудудда "Юксалиш", "Ёшлар" ва "Кушон" кичик sanoat зоналари ташкил этилган. "Юксалиш" кичик sanoat зонасида жами 1,2 триллион сўмлик 96 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Хозирча 7 мингдан зиёд иш ўринлари яратилган. "Ёшлар" кичик sanoat зонасида умумий қиймати 804 миллиард сўмлик 60 та лойиҳа, "Кушон" ҳудудида 1,6 триллион сўмлик 129 та лойиҳа жойлаштирилган. Уларда, мос равишда, қарийб 5 мингта ва 13 мингта иш жойи ташкил этилади. Шавкат Мирзиёев "Юксалиш" ша-

харчасида наманганлик сайловчилар билан учрашди. Президент Шавкат Мирзиёев "Янги Наманган" шахарчаси лойиҳаси билан танишди. Мазкур лойиҳа учун Давлатобод туманининг Юксалиш ҳамда Тўрақўрғон туманининг Еттиқон маҳаллалари ҳудудидан 1 минг 371 гектар ер ажратилган. У ерда 410 та кўп қаватли уй, 7 та мактаб, 4 та болалар боғчаси, шунингдек, кўплаб инфратузилма иншоотлари барпо этилиши режалаштирилган. Бу борадаги ишлар аллақандай бошланган бўлиб, Юксалиш маҳалласидаги бунёдкорликнинг биринчи босқичи ҳозирда. 2018 — 2021 йилларда амалга оширилган бу босқич доирасида 71 та кўп қаватли уй қурилади. "Юксалиш", "Ёшлар" ва "Кушон" кичик sanoat зоналари ташкил этилди. Лойиҳанинг иккинчи босқичи 2022 — 2024 йилларга мўлжалланган. Бу бўйича Туркиянинг "Studio Vertebra" компанияси томонидан беш режа ишлаб чиқилган.

Давлатимиз раҳбарига мазкур бош режа ҳақида маълумот берилди. Унга кўра, иккинчи босқичда 30 минг хонадондан иборат 16 ва 24 қаватли уйлар, мактаб ва боғчалар, шифохона, спорт мажмуалари, масжид, кутубхона, IT-парк, меҳмонхона, бизнес маркази, савдо ва сервис объектлари қад ростлади. Шунингдек, 95 гектар ерда "Янги Ўзбекистон боғи" барпо қилинади.

Шавкат Мирзиёев мазкур боғ лойиҳаси тақдирини билан ҳам танишди. 2022 йилда қуриб битказиладиган мажмуада Наманган рамзи бўлган гуллар боғи, сунъий кўл, фавворалар, 1 минг 500 ўринли амфитеатр, авто-турароқ, савдо шохобчалари ташкил этилади. Лойиҳанинг 2024 — 2026 йилларга мўлжалланган учинчи босқичи ҳам бор. Мазкур "ақли шахарча" тўлиқ қуриб битказилганда аҳолига шу ернинг ўзида яшаш, ишлаши ва дам олиши учун барча қулайликлар яратилади. Натيجида 2026 йилга бориб Наманган бир миллион аҳоли истиқомат қиладиган йилги шахарга айланади.

Президент Шавкат Мирзиёев шу йил 19 февраль куни Наманган шаҳридаги Саховат уйини бориб кўрган, нуронийлар учун янги бино қурилишига ваъда берган эди. Шундан сўнг бу ерда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. 120 ўринли янги Саховат уйи биноси, 4 та кotteж қурилди. Мазмурият ва хўжалик биналари таъмирланиб, электр энергияси, сув, иситиш тармоқлари янгиланди. Шавкат Мирзиёев вилоятга навбатдаги таширфи чоғида у ерга яна бориб, кексалар учун яратилган шароитларни кўздан кечирди. Саховат уйида хар бир яшовчи учун алоҳида хона ажратилган бўлиб, хоналар телевизор, музлаткич, мебель

билан жиҳозланган. Ошхона, муолажа ва физиотерапия хоналари, сув хавзаси, тренажёр зали бир бинода жойлашгани кексаларга қулайлик яратган. Нуронийлар вақтини мазмунли ўтказиши учун дам олиш жойлари, кутубхона ташкил этилган. Зиёратларга бориш учун Саховат уйига Президент совғаси — "Isuzu" автобуси ҳам берилган. Давлатимиз раҳбари нуронийлар билан дидан сўхбатлашди. — Ўтган сафар Худо кўнглимга солиб, сизларнинг олдингизга келган эдим. Ташкентга бориб ҳам хўрама-тингизни жойига қўйиш ҳақида кўп ўйладим. Ахир, давлат раҳбари сифатида сизларга шароит яратиш бериш — менинг вазифам. Бугун мана шундай янги шароитларингизни кўриб, оғирингиз энгил бўлганини ҳис қилиб, ўзимни бахтиёр сезаяпман. Сизлар ҳаётдан рози бўлсаларингиз, Аллоҳ биздан рози бўлади, юртимиз тинч, ишимизда барака бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Нуроний ота ва онахонлар яхши шароитлар, инсон қадрига эътибор учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, юртимизга тинчлик-фаровонлик тилаб дуолар қилди. Президент Шавкат Мирзиёев Наманган вилоятига таширфини яқунлаб, Фарғонага жўнаб кетди.

Матназар ЭЛМУРОДОВ, Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ, ҲАА мухбирлари.



Газетаимизнинг бугунги сониди сайловолди ташвиқоти доирасида Ўзбекистон Экологик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Нарзулло Обломуродовнинг Сайловолди дастури доирасида амалга оширадиган ташаббуслари акс этган мақолалар чоп этилмоқда. Ушбу мақолалар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида эълон қилинапти.

2-саҳифага қаранг.

## ДЕМОКРАТИК ҲАҚЛАРИНИНГ АМАЛДАГИ ЁРҚИН ИФОДАСИ

Мамлакатимизда муҳим сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига санокли кунлар қолди. Бу галги сайловнинг ўзига хослиги шундаки, у янгиликлар миллий қонунчилиги, умумэтироф этилган халқаро стандартларга мос, демократик тамойиллар асосида, очик ва шаффоф ўтказилади. Шу маънода, ушбу сиёсий тадбир 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувори йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясида белгиланган демократик гошларнинг амалдаги яна бир ёрқин ифодаси бўлиши кутилмоқда.

Миллий тажриба ва хорижий амалиёт уйғунлашуви Халқаро экспертлар эътирофи билан, 2016 йил 4 декабрдаги Президент сайловидан буён ўтган беш йил мобайнида халқимиз ҳаёти, жамият ҳамда мамлакат тараққиёти, миллий сайлов қонунчилигида улкан ўзгаришлар содир бўлди. Бу ўтган қисқа даврда халқ фаровонлигини юксалтириш, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳаларни тараққий эттириш йўлида амалга оширилган дидил ислохотлар мевасидир.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда демократик ислохотларнинг чуқурлашиб, фуқароларнинг сиёсий маданияти ҳамда фаоллиги юксалганлиги сайловни ўтказишда ҳам янги талабларни қўймоқда. Аввало, ана шу ҳаётини эҳтиёж, қолверса, ўтган сайловлар давомида тўпланган миллий тажриба, илгор хорижий сайлов амалиёти, шунингдек, халқаро стандартлардан келиб чиққан ҳолда, сайлов қонунчилиги тақомиллаштирилди.

## Хитой — Марказий Осиё: ЯҲОНА ТАҚДИР ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ҚОНУНЧИЛИК ОРГАНЛАРИНИНГ РОЛИ

Куни кеча Марказий Осиё мамлакатлари парламентлари билан биргаликда "Хитой — Марказий Осиё: ягона тақдир жамиятини шакллантиришда қонунчилик органларининг роли" шиори остида онлайн симпозиум ўтказилди.

Хитой — Марказий Осиё дўстлик гуруҳлари раҳбари Чжан Есуй раислигида ўтган симпозиумда Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши доимий қўмитаси аъзолари, Хитойнинг маҳаллий Халқ Конгресслари вакиллари, БХБК ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари иштирок этди. Бугунги кунда Хитой улкан иқтисодий, инновацион ва интеллектуал салоҳиятга эга давлат сифатида жаҳон иқтисодиёти ва сисёатда ҳақли равишда етакчи ўринни эгаллаб келмоқда. Ўзбекистон Хитой билан стратегик шериклик ва ўзаро манфаатдорликка асосланган ҳамкорликни юксак баҳолайди ва қадрлайди. Ўзбекистон — Хитой ҳамкорлиги муносабатлари кенг қўламли аҳамият касб этиб, стратегик шериклик даражасига қўйилган. Хитой бугунги кунда Ўзбекистоннинг асосий иқтисодий ҳамкорларидан бири бўлиб, иқтисодий-технологик энг кўп инвестиция киритган ва киритаётган давлат ҳисобланади. Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги алоқалар кўплай йўналишлар қатори парламентаризм соҳасида ҳам илчил ривожланиб бормоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.

## Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Масофавий тиббий хизматлар сифатини яхшилаш:

## МУАММО ВА ИСТИҚБОЛЛАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Инновацион ривожланиш, ахборот сисёати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитасининг ташаббуси билан "Масофавий тиббий хизматларни тақдим этишнинг ташкилий-ҳуқуқий тизими асосларини яратиш" мавзусида семинар ўтказилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг тузилмасида фаолият юритаётган бир қатор ташкилотлар ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги масъуллари иштирок этди.

3

## ТАРАҚҚИЁТИМИЗГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР ҚИЗГИН МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Аввал хабар берилганидек, Олий Мажлис Сенатининг навбатдаги ялпи мажлисида мамлакатимиз сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган қатор долзарб масалалар муҳокама қилиниши кўзда тутилмоқда. Айни пайтда мазкур масалалар парламент юқори палатаси комиссия ва қўмиталарида қизгин тарзда кўриб чиқилаётир.

## Сенат ялпи мажлиси олдидан

Қўмитанинг назорат-таҳлил фаолияти ҳам ана самаралидир. Ҳисобот даврида 16 та тадбир, хусусан, Бош прокурорнинг ҳисоботи, адлия ҳамда маҳалла ва оила-ни қўллаб-қувватлаш вазирлари ахборотлари 3 мартадан, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг ҳисоботи 2 бор, ички ишлар, бандлик ва меҳнат муносабатларини, қурилиш вазирлари, Олий суд раиси ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимининг ахборотлари бир мартадан эшитилган. Шуларга мос ҳолда аҳолининг муурожаатларига кўтаришган масалалар юзасидан 4 та парламент сўрови юборилган. Уларнинг натижаси қўмита ва Сенатнинг ялпи мажлисларида муҳокама қилинган.

## ЎЗБЕКИСТОН ТИНЧЛИК ТАРАФДОРИ, ҲАМКОРЛИК ТАШАББУСКОРИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилати дунёдаги ягона, том маънода универсал халқаро ташкилот ҳисобланади. БМТ давлатларнинг ўз сарҳадларидан ташқарига чиқадиган масалаларни ҳал этиб келмоқдаки, бу муаммоларга бирорта мамлакатнинг ёлғиз ўзи ечим топиши мумкин эмас. тун инсоният учун ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган долзарб вазифалар турибди. Булар — турли моҳороларни ҳал қилиш, халқаро терроризм ва экстремизмга қарши курашиш, иқлим ўзгаришлари оқибатларини бартарф этиш, пандемияларнинг тарқалиб кетишига йўл қўймаслик, барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш каби вазифалардир. Ўзбекистон БМТнинг Низоми, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа асосий халқаро шартномаларнинг мақсад ва тамойилларига содиқ ҳамда ўз зиммасига ол-



Фарғона тумани маркази — Водил ҳудудидаги қишлоқлар аҳолиси шифобахш ва дармондориларга бой малина етилтириш борасида катта ҳаётий тажрибага эга. Айни пайтда ҳудуддаги беш мингдан зиёд шахсий томорқа хўжалиқлари ва фермер хўжалиқларида 500 гектардан ортиқ майдонда етилтирилаётган малина мамлакатимиз бўйлаб етказиб берилмоқда. Бу маҳсулотта нафақат юртимизда, балки узок-яқин хориж давлатларида ҳам талаб ортиб бораётгани кувонарлидир. Бугунги кунга қадар Россия ва Қозғистонга экспорт қилинган бўлса, Фарғона тумани ҳокимлиги ахборот хизматининг маълум қилишича, айни кунларда Дилқушо маҳалласи ҳудудида 1000 та оиланинг маълум таъминлайдиган 300 гектарлик малина плантацияси барпо этиш бўйича амалий ишлар олиб бориляпти. Яқин истиқболда туманда экотуризм маскани, махсус совиткичи омборхона ва малинани қайта ишловчи корхона ташкил этиш ҳам режалаштирилган. Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи»).

## БИШКЕК БИЗНЕС ФОРУМИ ИШБИЛАРМОН АЁЛЛАР УЧУН ЯНГИ БОЗОРЛАРНИ ОЧИШ ИМКОНИНИ БЕРДИ

Юртимизда кейинги беш йилда амалга оширилган туб ислохотлар туфайли жаҳонда "Янги Ўзбекистон феномени" ҳамда "Марказий Осиё руҳи" деган тушунчалар пайдо бўлди. Бу бежиз эмас. Раҳбариятимизнинг қатъий сиёсий иродаси ва ташаббуси билан Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида тамоман янгича муҳит пайдо бўлди.

## Таассурот

Аслида, бу Олий Мажлисга йўлланган Муржоатномада белгилаб берилганини таъкидлаш зарур. Эер, унда Марказий Осиё давлатлари билан кўп асрлик дўстлик ва яхши қўнчилик ҳамда стратегик шериклик ва ўзаро ишонч руҳидаги алоқаларимизни мустаҳкамлаш ташқи сисёатимизнинг энг устувори йўналиши сифатида илгари сурилган эди. Айниқса, мураккаб пандемия ва глобаллашув жараёни авж олган ҳозирги шароитда ҳеч бир давлат бир-бирининг қўмағисиз ривожланмаслиги кундай равшан бўлган ҳақиқат. Шу ҳақиқатдан келиб чиқиб, жорий йилда пойтахтимизда Марказий Осиё халқаро институти ташкил этилди. Яна бир қатор чора-тадбирлар кўрилди. Табиийки, натижалар шунга мос бўлмоқда. Буни Марказий Осиёнинг иқтисодий очик давлатларидан бўлган Қирғизистон билан алоқаларимиз хар жиҳатдан яхшиланиб бораётгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Фиркимизни 2021 йил 21-22 сентябрь кунлари Бишкек шаҳрида икки мамлакатнинг 100 дан ортиқ ишби-

3

# НАРЗУЛЛО НАИМОВИЧ ОБЛОМУРОДОВ САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Мамлакатимизда экологик хавфсизликни таъминлаш, юзага келаётган экологик муаммоларни изчиллик билан ҳал этиш ҳамда иқтисодий тараққиётни таъминлашда жамиятнинг барча кучини бирлаштиришга йўналтирилган давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш талаб этилади.

Бу юксак вазифани мамлакат сиёсий майдонига янги сиёсий куч сифатида кириб келган ва илк бора Президент сайловида ўз номзодини илгари сураётган Ўзбекистон Экологик партияси бажаришга бел болаган. Қуйидаги йўналиш ва вазифалар Нарзулло Обломуродов Сайловолди дастурининг асосини ташкил этади:

- «яшил иқтисодиёт» тамойиллари асосида ишлаб чиқаришнинг барча соҳасини ривожлантиришга йўналтирилган сиёсатни юритиш;
- «яшил иқтисодиёт» улушини 30 фоизга етказиш, йиллик иқтисодий ўсиш суръатини 7 фоиздан ошириш;
- «ақлли қишлоқ хўжалиги» тамойилларини татбиқ этишнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- тежамкор сўғориш технологиялари орқали ҳосилдорликни ўртача 25 — 30 фоизгача ошириш;
- қайта тикланувчи ва муқобил энергия манбалари соҳасида бозор механизмларини татбиқ этиш;
- қайта тикланувчи ва муқобил энергия манбалари улушини умумий энергия балансида 40 фоизга етказиш;
- Ўрмон кодекси, Сув кодекси ва Экологик кодексни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;
- экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида фуқаровий, маъмурий, жиноий жавобгарлик чораларини кучайтириш;
- «Чикиндилар тўғрисида»ги қонунни янги тахрирда ва «Тупроқни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш;
- экологик илмий тадқиқот изланишларида хотин-қизлар ва ёшлар иштирокини ошириш;
- сувни чучуклаштирувчи локал қурилмалар орқали олис қишлоқ жойларда сув таъминотини яхшилаш;
- ичимлик сув таъминоти лойиҳаларида бозор механизмларини жорий этиш;
- атмосфера ҳавосига салбий таъсир кўрсатувчи, тозалаш ускуналари билан жиҳозланмаган ҳар қандай фаолият турларини тақиқлаш;
- озонни емирувчи моддаларни озон учун хавфсиз моддалар билан алмаштириш;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объекти атрофида санитария-ҳимоя зоналарини ташкил қилиш асосида ҳавога чиқаётган захарли газлар ҳамда чанг миқдорини 1,5 баробарга камайтириш;
- қишлоқ хўжалиги экинларини сўғоришда тежамкор технологиялар улушини 30 фоизга етказиш;
- маиший чикиндиларни қайта ишлаш ҳажмини 40 фоизга, саноат чикиндиларини қайта ишлаш эса 20 фоизга етказиш;
- мамлакат ҳудудига радиоактив ва хавфли чикиндиларнинг ҳар қандай турларини олиб киришни тақиқлаш;
- муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар майдонларини мамлакат ҳудудининг 12 фоизга етказиш;
- муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда ҳар қандай фаолиятга чек қўйиш;
- оила ва маҳалла тизимида инсоннинг табиатга бўлган муносабатини тубдан ўзгартириш;
- мамлакат ҳудудининг ўрмон билан қопланганлик даражасини 7,6 фоиздан 15 фоизга етказиш;
- Орол муҳомосини ҳал этишга ҳамда Оролбўйи аҳолиси генофонди ва атроф-муҳитга салбий таъсирни юмшатишга жамиятнинг барча кучини жалб этиш;
- БМТ шафелигидаги Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фонди фаолиятини ривожлантириш;
- Айдар — Арнасой кўллари тизими, «Денгиз-кўл», «Қуймозор» ва «Тўдакўл» сув омборлари экотизимларини муҳофаза қилишни кучайтириш;
- экологик хавф-хатарларни сўғурталаш, халқаро экологик менежмент тизимларини жорий этиш;
- юкумли касалликлар табиий ўчоқлари устидан эпидемиологик мониторинг ва эпидемияга қарши профилактик тадбирлар мажмуини амалга ошириш;
- мактабгача таълим қамровини 100 фоизга, олий таълим билан қамров даражасини 40 фоизга етказиш;
- глобал ва трансчегаравий экологик муаммоларни ҳал қилишда Марказий Осиё давлатлари билан яхши қўшничилик ва дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш.



**BIZ YASHIL TARAQQIYOT TARAFDORIMIZ!**

## ЗАМОНАВИЙ ЭКОЛОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР

соҳада тўпланиб қолган масалаларга ижобий ечим бўлади

Ўттиз йиллик мустақил Ўзбекистон тарихида биринчи марта глобал экологик муаммолар ечимига бел болаган раҳбарнинг Президентликка номзод сифатида кўрсатилиши ўзига хос воқеа бўлди. Бугун дунё аҳолиси чикиндиларни сараланган ҳолда тўплаш амалиётига эътибор қаратмоқда. Маълумотларга кўра, деярли барча мамлакатда қаттиқ маиший чикиндилар салмоқи аҳоли жон бошига ҳар йили бир фоизга ортиб бормоқда. Жаҳонда йилга фақат маиший чикиндиларнинг ўзига қарий 6 млрд. тоннагача йиғилиб қолмоқда. Инсоннинг хўжалик фаолияти натижасида атроф-муҳитга бир неча юз хил чикиндилар чиқарилади, яъни кунинг муайян тигиз вақтида транспорт воситаларидан тўлов ундирилади. Бундан мақсад пул топиш эмас, автомобиль ҳайдовчилари, пибдаларга қулайлик яратиш, автотранспорт воситалари қатновини тартибга солишдир. Натижада тирбандлик йўқолади, атмосферага чиқадиган захарли газлар камайди. Кўриниб турибдики, бугун барча шаҳарларимиздаги йўлларда ана шундай йиллик ўлим даражаси ҳар 100 миңг аҳоли сонига 81,1 та тўғри келаётганлиги ачинарли. Аксарият Европа мамлакатларида ушбу кўрсаткич 40 дан паст, Руминияда 59,3, Болгарияда 61,8 ни ташкил этади. Ваҳоланки, шу вақтгача биз доим айтиб келганмиз, осмонимиз мусаффо, табиатимиз тоза деб. Ҳақиқий

ушбу кўрсаткич 2028 йилга бориб 16-17 миллион тоннага етиши мумкин. Буни Тошкент шаҳри мисолида оладиغان бўлсак, пойтахтда йилга 700 миң тоннадан ортиқ маиший чикинди ҳосил бўлади, шунинг ярмидан кўпи уй-жой коммунал хўжалиқларининг маиший чикиндиларидир. Бу кўрсаткич яқин 10 — 20 йил ичида ҳозиргидан 2-3 баробар кўпайиши тахмин қилинапти. Бу йўналишда энг мақбул ечим чикиндиларни қайта ишлаш ва ундан иккиламчи маҳсулот ишлаб чиқариш амалиётини ривожлантириш ҳисобланади. Чикиндилар бир томондан ободликка пур етказса, иккинчи томондан экологик муаммоларни келтириб чиқаради. Энг ёмони — инсон саломатлиги ва маънавий ҳаётига жиддий хавф туғдиради. Бу масалага ижобий ечим топиш мақсадида Тошкентнинг 24 та маҳалласида чикиндиларни сараланган ҳолда тўплаш амалиёти жорий этилди. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, қайта ишлаш секторига инвестициялар бор.

Ишлаб чиқариш қувватлари бор, бироқ чикиндиларни тўплаш, уларни саралаш каби муаммолар мавжуд. Йирик қайта ишловчи компаниялар лойиҳалари давлат томонидан қўллаб-қувватланади, майдалари эса кўпинча эътиборсиз қолади. Бу йўналишда давлат-хусусий сектор ҳамкорлиги жуда муҳим. Албатта, бу қўрилаётган чора-тадбирлар чикиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш, муносиб яшаш шароитларини яратиш, республикада санитария ва экологик вазиятни яхшилаш, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини янада оширишга хизмат қилиши, шубҳасиз. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ўзбекистон Экологик партиясидан кўрсатилган номзоднинг Сайловолди дастурида ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, глобал ривожланиш шароитида вужудга келган чикинди муаммоларини самарали ҳал этиш мақсадида маиший чикиндиларни

қайта ишлаш ҳажмини 40 фоизга, ҳосил бўлаётган саноат чикиндиларини қайта ишлаш миқдорини эса 20 фоизга етказиш бўйича аниқ мақсадлар илгари сурилган. Жумладан, хусусий шериклик асосида чикиндиларни қайта ишлаш орқали уни даромадли соҳага айлантириш бўйича ечимлар таклиф этилган. Шунингдек, дастурда атроф-муҳитни ишлаб чиқариш ва истеъмол чикиндиларидан муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда экологик тоза технологияларни амалиётга татбиқ этиш режалари очикланган. Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, чикиндиларни 85 фоизгача қайта ишлаш мумкин. Чикиндиларни қайта ишлаш эса энергия ва хом ашёни сезиларли даражада тежайди. Шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини ҳимоялаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлашга йўналтирилган илмий экологик сиёсат юритилмоқда. Ўйлаймики, номзод томонидан илгари сурилаётган таклифлар соҳада тўпланиб қолган масалаларга ижобий ечимлар олиб келади.

**Кўнғиротбой ШАРИПОВ,**  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори.

### Нарзулло ОБЛОМУРОДОВ:

## АТМОСФЕРА ҲАВОСИ ТОЗАЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА АНИҚ ТАКЛИФЛАРИМИЗ БОР

Бугун олдимизда турган муҳим экологик муаммолардан бири атмосфера ҳавосининг мусоффолигини асрашдир. Зотан, атмосфера ҳавосидаги кислород нафақат инсон, балки борлиқдаги ҳар бир тирик организм учун зарур ресурс ҳисобланади.

Бугун дунё миқёсида атмосферага захарли моддалар чиқариш кўпайиб бормоқда. Биргина юртимизда атмосфера ҳавосига ҳар йили 2 миллион 200 миң тоннадан ортиқ захарли ташламалар тушмоқда. Бу эса атроф-муҳит мусоффолиги, аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Статистик маълумотларга кўра, коронавирус пандемияси шароитида жаҳонда бир йилда 1,8 — 3 миллион киши ушбу хасталик туфайли вафот этган бўлса, атмосферадаги захарли моддалар сабаб 7 миллион киши оламдан ўтмоқда. Бу биздан ушбу масалага жиддий эътибор қаратишни талаб қилади. Шу сабабли биз бу борадаги ҳуқуқий тартибларни кучайтириш, алоҳида дастурлар ишлаб чиқиш ташаббусини илгари сурамиз.

Маълумотларга кўра, атмосфера ҳавосидаги ташламаларнинг 1,3 миллион тоннаси ёки 58 фоизи транспорт воситалари, 924 миңг тоннаси (42 фоизи) саноат корхоналари ҳисобига тўғри келмоқда. Чунки автомобиллар сонини йил сайин ошиб, йўлларда тирбандлик ортиб бораётган. Тирбандлик қанча ошса, атмосферага чиқарилаётган захарли ташламалар ҳам ортиши кундай равшан. Тирбандликнинг асосий сабабларидан бири эса светофорларда тез-тез учрайдиган носозликлар, чорраҳаларимиз ўтказувчанлиги жуда пастлиги, йўлўтказгичлар сонини етарли эмаслигидир. Мухтабар айтганда, мамлакатимиз йўл инфратузилмаси кун сайин ортиб бораётган транспорт оқимига мўлжалланмаган.

Айни дамда юқоридаги муаммолар ечимини бўйича бош қотиришимиз керак. Афсуски, ушбу масала билан тегишли идоралар хали етарлича шуғулланаётгани йўқ. Тўғри, ҳаётимизни автотранспорт воситаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бироқ танганинг иккинчи томонини ҳам унутмаслигимиз керак. Битта автомашинанинг светофор қизил чирогига

ҳолат эса жиддий. Муаммо ёнимизда, бунинг инкор қилиб бўлмайди. Мисол учун Сингапур кўчаларида автотранспорт воситалари оқимини бошқаришнинг «ақлли трафики» бошқарув тизими (Electronic Road Pricing — ERP) жорий этилган. Мазкур тизим энг тигиз вақтда шаҳардаги серқатнов йўлларни бошқаради, яъни кунинг муайян тигиз вақтида транспорт воситаларидан тўлов ундирилади. Бундан мақсад пул топиш эмас, автомобиль ҳайдовчилари, пибдаларга қулайлик яратиш, автотранспорт воситалари қатновини тартибга солишдир. Натижада тирбандлик йўқолади, атмосферага чиқадиган захарли газлар камайди.

Кўриниб турибдики, бугун барча шаҳарларимиздаги йўлларда ана шундай йиллик ўлим даражаси ҳар 100 миңг аҳоли сонига 81,1 та тўғри келаётганлиги ачинарли. Аксарият Европа мамлакатларида ушбу кўрсаткич 40 дан паст, Руминияда 59,3, Болгарияда 61,8 ни ташкил этади. Ваҳоланки, шу вақтгача биз доим айтиб келганмиз, осмонимиз мусаффо, табиатимиз тоза деб. Ҳақиқий

Шунингдек, автотранспорт воситалари, уларда ишлатиладиган ёнилгининг сифати ва экологик кўрсаткичларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Европа «Евро-1»ни ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллардан бошлаган бўлса, ҳозир «Евро-7»га ўтиш жараёни кетмоқда. Мисол учун «Евро-4»да атмосферага чиқадиган карбонат ангидрид миқдори йиллик ўлим даражаси ҳар 100 миңг аҳоли сонига 81,1 та тўғри келаётганлиги ачинарли. Аксарият Европа мамлакатларида ушбу кўрсаткич 40 дан паст, Руминияда 59,3, Болгарияда 61,8 ни ташкил этади. Ваҳоланки, шу вақтгача биз доим айтиб келганмиз, осмонимиз мусаффо, табиатимиз тоза деб. Ҳақиқий

мийдиган газ, бензин ва дизель двигателлари билан жиҳозланган «М» ва «N» тоифаларидаги транспорт воситаларини импорт қилиш ман этилган. Аммо шунга мос инфратузилмани яратиш, нефтни қайта ишлаш корхоналарини модернизация қилиш ва энг замонавий экологик талабларга жавоб берадиган ёнилги маҳсулотларини ишлаб чиқариш борасида маъсул идора ва ташкилотлар ташаббуслари сезилаётгани йўқ. Автомобиллардан атмосферага чиқаётган захарли газлар миқдори бўйича стандартларни жорий этиш, белгиланган стандартларга жавоб бермайдиган автотранспорт воситалари ҳаракатини чеклаш керак, албатта. Бироқ эски бир юк машинаси билан рўзгор тебратаётган оилалар кўп. Мақсад уларнинг улловини йўлда юргизмай қўйиш эмас, ўша улловини маълум бир шартлар асосида янги-сига алмаштириб бериш чоралари ҳуқуқмат миқёсида ишлаб чиқиши зарур. Мана, ўзимизда ишлаб чиқарилган энгил автомобильлар учун «Trade-In» тизими жорий этилди-ку, эски юк автомобиллари учун ҳам шундай тизимни ишлаб чиқиш негиз мумкин эмас? Автотранспорт воситалари учун бир йилда икки марта «Тоза ҳаво» тадбири ўтказилади. Унинг натижаси ҳам, самардорлиги ҳам ўзига яраша. Гўё шу билан бўлди — экологик муаммо ҳал. Аслида бу тизимли ва кундалик бўлиши керак эмасми?! Ахир бизга тоза ҳаво бир йилда икки марта эмас, ҳар соғияда керак-ку!

Экологик тоза транспорт воситалари — бу электромобиллар. Ҳозирда электромобиль импорти учун бож тўлови бекор қилинган, акциз солиғи ҳам олиб ташланган. Айни пайтда четдан энгил электромобиль олиб киришда 20 евро божхона йўғими ва 15 фоизлик ҚҚС тўлаш қиёфа. Шунингдек, «Автотранспорт

воситаларини ёллаш ва ижарага бериш фаолиятини қўллаб-қувватлаш, электромобиллар ва мототранспортлардан фойдаланиш, шунингдек, велосипедда мавлакат бўйлаб ҳаракатланишни ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳуқуқмат қарори қабул қилинган. Қарорда «Узавтосаноат» АЖ корхоналарида фақат электр двигателлари орқали ҳаракатланадиган энгил автомобиллар ва мототранспорт воситаларини ишлаб чиқариш концепциясини ишлаб чиқиш белгиланган.

Бундан ташқари, Молия вазирлиги 2021 йил ва кейинги йилларга мўлжалланган Давлат бюджетини шакллантиришда фақат электр двигателлари орқали ҳаракатланадиган авто ва мототранспорт воситалари республика ҳудудида харид қилинганда ёки вақтинчалик олиб кирилганда, уларни ички ишлар органларида рўйхатдан ўтказишда тўланадиган йўғимларни бекор қилган.

Назаримизда атмосфера ҳавосининг ифлосланиши ишлаб чиқаришнинг ўсиши, саноат корхоналаридаги чанг-газ тозалаш ускуналарининг талабга жавоб бермаслиги ва маънан эскирган билан ҳам боғлиқдир. Таҳлилларга кўра, республикадаги мавжуд 6,5 миңгача яқин чанг-газ тозалаш ускуналарининг 60 фоиздан ортиғи узоқ йиллардан бери фойдаланишда бўлиб, маънан эскирган, замон талабларига жавоб бермайди.

Тадбиркорлик ривожланмоқда, ҳар куни битта янги ишлаб чиқариш объекти пайдо бўляпти. Лекин уларнинг лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқишида экологик экспертиза жараёни қандай ўтказилляпти? Умуман, атроф-муҳитга етказиладиган зарарнинг олдини олиш учун уларда қандай ускуналар ўрнатилиши шартлиги лойиҳа-смета ҳаражатларида акс этаётми?

Афсуски, бу саволга ҳозир жўяли жа-

воф берилишиг ўзи мураккаб. Аслида ҳар бир қурилаётган завод ёки фабрика, ишлаб чиқариш корхонаси лойиҳасида атмосферага чиқариладиган захарли газларни ушлаб қоладиган замонавий филтэрлар, чанг-газ тозалаш ускуналари ўрнатиш қатъий белгиланиши керак. Бунинг билан мустаҳкамлаб қўйишимиз шарт. Бу талаблар корхона қурилишидан олдин, лойиҳалаштириш давомида ишлаши керак. Ана шундангина аҳоли гавжум масканларда атмосфера чанг чиқарадиган цемент ишлаб чиқариш корхонаси ёхуд катта шаҳар атрофида асфалт заводи «пайдо бўлиб» қолмайди.

Ҳозир ишлаб турган ва атмосфера ҳавосига катта миқдорда захарли газлар чиқараётган саноат корхоналарининг ҳаммаси ҳам филтэр, чанг тозалаш ускуналарига ечим топиш орқали республикамизнинг йирик ҳамада саноати ривожланган шаҳарларда атмосфера ҳавосига чиқарилаётган углерод, азот бирикмалари, метан ва бошқа газлар чиқарилишини, чанг миқдорини 1,5 баробарга камайтиришни устувор вазифа сифатида белгилла олганмиз.

Бу масалаларни қонун доирасида ҳал этиш, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта қўриб чиқишнинг аллақачон вақти етиб келган. Лекин юқорида айтганимиздек, ҳавонинг ифлослаб, жарима билан қутулиб қолаётганлар тугган йўлдан бораверсак, табиат ҳам бизга раҳм-шафқат қилмайди.

Бу масалаларни қонун доирасида ҳал этиш, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта қўриб чиқишнинг аллақачон вақти етиб келган. Лекин юқорида айтганимиздек, ҳавонинг ифлослаб, жарима билан қутулиб қолаётганлар тугган йўлдан бораверсак, табиат ҳам бизга раҳм-шафқат қилмайди.



# СОҲИБҚИРОН ФАОЛИЯТИНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ КАШФ ЭТИЛМОҚДА



Кейинги йилларда жамиятимизда кескин ва шиддатли ислохотлар амалга оширилиб, яшаш тарзимиз ҳамда фаолиятимизда туб бурилишлар содир бўлди. Чунинчи, янги Ўзбекистоннинг бош гоёси бўлиб хизмат қилаётган "Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари" шиори халқимизга кўтаринки руҳ бахш этди.

## Фикр

Шунинг учун ҳам, учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш вазираси кўйилганда хушнудлик билан қарши олинди. Бир жиҳатдан, бунга ўзига яраша интиқлик бор эди. Зеро, мўғул истилоки барбод қилган биринчи Ренессансдан кейин захматқаш ва ориятли халқимиз қандай қилиб иккинчи Ренессанснинг амалга оширилганини обдан ўрганиш масаласи олдимизга жуда кўп долзарб тарихий вазифаларни кўндан-кўнгун қўйганини ижтимоий-маданий ҳаётимизнинг ўзи тақозо қилиб турарди. Бу борада, аввало, иккинчи Ренессанс асосчиси сифатида буюк

бобомиз Амир Темур шахсини ва сиёсатини ҳар томонлама ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, давлат раҳбарининг миллий тарихни халқимизга, айниқса, ёшларимизга миллий руҳда етказиш, уларнинг қалбига, шурига сингдириш керак, деган аниқ қўрсатмаси бу борадаги илмий тадқиқотлар қаторида Соҳибқирон бобомиз фаолиятининг янги қирраларини очиб беришга ҳам ундади. Назаримизда, олимларимиз шу йўлдан боришяпти. Зеро, кейинги йиллардаги илмий изланишлар Амир Темурнинг ҳар томонлама уни-

версал тарихий шахс бўлганлигини тасдиқлайди. Мисол тариқасида Соҳибқироннинг буюк ислохотчилик фаолиятини олайлик. Уша пайтдаги деярли барча соҳада: солиқ ислоҳоти, шаҳарсозлик, ер-сув эгаллиги ва мулкчилик тизимига доир масалалар, шунингдек, муқаддас ислом динига оид даврий муносабатлар билан бирга зироатчилик, хунармандчилик сингари халқ ҳаётига хос долзарб масалаларнинг биронтаси эътибор марказидан четда қолмаганлиги тарихий материаллар асосида ойдинлашмоқда. Масалан, Аракс дарёси суви янги жойлаб, ўша пайтда қариб лалмикор воҳа бўлган Тоғли Қорабоққа сунъий ўзан орқали чиқаргани, мазкур обихаёт манбаи "Барлос канали" номи билан бугунги кунда ҳам раият эҳтиёжини қондириб келаётгани бор гап. Демак, катта марказлашган давлат барпо этган буюк саркарда босиб олинган мамлакатларида ҳам ободончилик ва маъмуричилик жиддий эътибор қаратган.

Шу билан бирга, салтанати пойтахти бўлган Самарқандга илмда, санъатда, хунармандчилик ва бошқа соҳаларда катта таърифага эга иқтидорли олим-мутахассисларни жалб қилиб, уларга зарур шарт-шароитларни яратиб бериб, янада фаол бўлишга ундаши ҳам уларга, ҳам ҳукмдорга айни муддао эди. Бу ҳақда бевосита гувоҳ — тарихчи Ибн Арабшоҳнинг эътирофи диққатга молик: "Натижада Самарқандда ҳар бир ажиб фан ахли намояндасидан ва санъатларга қариб улуғлиги фазилатли нишони бўлиб, ўз тенгқурларидан устун турган, ўз фанида аллома бўлган кишилар тўланган эди".

Тарихдан маълумки, ҳар иккала Ренессанснинг ҳукмдорлар эмас, ўз даврининг юксак иқтидорли соҳиблари бўлган буюк илм намояндалари, мутафаккир ижод ахли, улуг алломалар амалга оширган эдилар. Шундай эса-да, иккинчи Ренессанс даҳолари қаторига Амир Темурнинг ҳам қўшилиши шубҳасиз. Негаки, унинг кенг миқёсдаги доно ислохотлари, илм-фанга оқилона ва одилона ёндашувлари ўша давр кашфиёти

сифатида буюк Уйғонишга сабаб бўлди. Амир Темурнинг прагматик сиёсий-дипломатик тафаккури Испания, Франция, Англия қиролларига ёзган хатларида, тожирлик алоқаларини йўл қўйиш, тўжорларни муҳофаза қилиб, уларга керакли шарт-шароитлар яратиш юзасидан билдирган таклифларида, шунингдек, фатҳ этган мамлакатларида олиб борган одилона аъмолларида ҳеч бир истисносиз яққол намоён бўлади. Қолаверса, Амир Темурнинг мавжуд эзгу аъёнларини мустақамлашган ҳолда қонунчилик тизимини янгилашнинг ўзиёқ бекиёс тарихий аҳамиятга эга. Машҳур "Темур тузуқлари"да қайд этилганидек, давлат ишларининг ўндан тўққизини кенгашу машварат билан, фақат биттасини қилич ёрдамида амалга оширган ҳукмдорнинг адолат туғи наинки ўзининг долғали даврида, балки ундан кейин ҳам асрлар оша инсоният тараққиётига хизмат қилди.

## Кулайлик

### ОИЛАВИЙ БОЛАЛАР УЙИ ИШ БОШЛАДИ

Бухоро шаҳридаги "Зарманок" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда оилавий болалар уйи ўз фаолиятини бошлади. Нарғиза Бехбудова ушбу хайрли иш ташаббускори бўлди.

— Икки қизим бор, — дейди у. — Бири олий ўқув юртида тахсил олган. Ҳозир халқ хизматида. Иккинчиси эса мактаб битирувчиси. Етим, она меҳрига муҳтож болаларни ўз бағримга олишни анчадан буён ният қилиб келардим. Ўзим руҳшунос сифатида фаолият юритаётган 32-Меҳрибонлик уйидан беш қиз, бир ўғилни асраб олдим. Фарзандларим қаторида кўриб, уларга бор оналик меҳримни берарман.

Оилавий болалар уйининг тарбияланувчилари айни дамда шаҳардаги 43-умумтаълим мактабида сабоқ олишмоқда.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).

# Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети

қуйидаги ихтисосликлар бўйича 2022 йил учун таянч докторантура (PhD), докторантура (DSc), мустақил изланувчилик, мақсадли ва стажёр-тадқиқотчиликка Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ўқига қабул эълон қилади:

№	Ихтисослик шифри ва номи	2022 йил учун квоталар сони			
		PhD	DSc	Мақсадли PhD	Стажёр-тадқиқотчи
1.	01.04.04 – Физик электроника	2			1
2.	01.04.10 – Яримўткагичлар физикаси	2			1
3.	02.00.06 – Юқори молекуляр бирикмалар	3	1	1	1
4.	02.00.16 – Кимё технологияси ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш жараёнлари ва аппаратлари	2	1	1	1
5.	03.00.10 – Экология	4	1	1	1
6.	03.00.12 – Биотехнология	6			2
7.	04.00.07 – Нефть ва газ конлари геологияси, уларни қидириш ва разведка қилиш	2		1	1
8.	04.00.09 – Маркшейдерия	1			
9.	04.00.10 – Геотехнология (очик, ер ости ва қурилиш)	4		1	1
10.	04.00.11 – Қудуқларни бурғилаш ва ўзлаштириш технологияси	3		1	
11.	05.01.06 – Ҳисоблаш техникаси ва бошқарув тизимларининг элементлари ва қурилмалари	4			
12.	05.01.08 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни автоматлаштириш ва бошқариш	4		2	4
13.	05.02.02 – Механизмлар ва машиналар назарияси. Машинашунослик ва машина деталлари	7			
14.	05.02.04 – Стандартлаштириш ва маҳсулотлар сифатини бошқариш	2		2	
15.	05.03.01 – Асбоблар. Улчаш ва назорат қилиш усуллари (тармоқлар бўйича)	4	1		4
16.	05.03.02 – Метрология ва метрология таъминоти	4		2	
17.	05.05.02 – Электротехника. Электр энергия станциялари, тизимлари. Электротехник мажмуалар ва қурилмалар	8		2	
18.	05.05.04 – Саноат иссиқлик энергетикаси	3		2	
19.	05.05.06 – Қайта тикланадиган энергия турлари асосидаги энергия қурилмалари	1	1	2	
20.	05.08.06 – Филдиракли ва гусеничали машиналар ва уларни ишлатиш	8		1	
21.	05.10.01 – Меҳнатни муҳофаза қилиш ва инсон фаолияти хавфсизлиги	4		1	1
22.	08.00.03 – Саноат иқтисодиёти	6			1
23.	11.00.06 – Геодезия. Картография	1			1
24.	05.02.01 – Машинасозликда материалшунослик. Қўймаччилик. Металларга термик ва босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноб металллар металлургияси	9	1		1
25.	04.00.16 – Қончилик машиналари	5			1
26.	01.04.11 – Лазер физикаси	1			
27.	04.00.02 – Қаттиқ фойдаланиш қазилма конларининг геологияси, уларни қидириш ва разведка қилиш. Металлогения ва геокимё	1		1	
28.	13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи	1			
29.	05.02.05 – Механик ва физик-техник ишлов бериш технологиялари ва жараёнлари. Станоклар ва асбоб-ускуналар	3			
30.	07.00.01 – Ўзбекистон тарихи	1			
31.	04.00.14 – Фойдаланиш қазилмаларни бойитиш			1	

### ТАЯНЧ ДОКТОРАНТУРАГА талабгорлар тақдим қиладиган ҳужжатлар:

- ариза;
- қисқача биографик маълумотнома;
- меҳнат дафтарчаси (тасдиқланган нусخаси);
- олий таълим муассасаси магистратураси ёки олий маълумоти тўғрисидаги дипломи нусхаси;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати (камиди 1 та мақола ва 2 та тезис) ва уларнинг нусхалари;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиблари тегишли ҳужжат нусхасини тақдим этади;
- паспорт нусхаси;
- 3x4 см. ҳажмда 4 дона фотосурат.

Таянч докторантурада ўқиш учун талабгорлар ихтисослик ва чет тили бўйича кириш имтиҳонларини топширади.

● тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;

● нашр этилган илмий ишлар рўйхати (камиди 3 та мақола ва 2 та тезис) ва уларнинг нусхалари;

● паспорт нусхаси;

● 3x4 см. ҳажмда 4 дона фотосурат.

Докторантурада ўқиш учун талабгорлар ихтисослик бўйича сўхбатдан ўтади.

### МУСТАҚИЛ ИЗЛАНУВЧИЛИККА талабгорлар тақдим қиладиган ҳужжатлар:

- ариза;
- қисқача биографик маълумотнома;
- меҳнат дафтарчаси (тасдиқланган нусхаси);
- фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчи сифатида расмийлаштирилган магистрлик ёки олий маълумот (мутахассислик дастури бўйича) тўғрисидаги дипломи нусхаси;
- фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчи сифатида расмийлаштирилган фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) дипломи ёхуд хорижда олинган унга тенглаштирилган бошқа илмий даражага эга бўлганлиги тўғрисидаги дипломи нусхаси;

● нашр этилган илмий ишлар рўйхати ва уларнинг нусхалари;

● иш жойидан тавсифнома;

● паспорт нусхаси;

● 3x4 см. ҳажмда 4 дона фотосурат.

Мустақил изланувчиликка талабгорларни танлаб олиш 2021 йил 30 ноябргача бўлган муддатда ихтисослик бўйича сўхбат натижалари ва қабул комиссиясининг тегишли ҳулосасига қўра амалга оширилади.

### СТАЖЁР-ТАДҚИҚОТЧИЛИККА талабгорлар тақдим қиладиган ҳужжатлар:

- ариза;
- қисқача биографик маълумотнома;
- меҳнат дафтарчаси (тасдиқланган нусхаси);
- олий таълим муассасаси магистратураси ёки олий маълумоти тўғрисидаги дипломи нусхаси;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати (камиди 1 та мақола ва 2 та тезис) ва уларнинг нусхалари;
- паспорт нусхаси;
- 3x4 см. ҳажмда 2 дона фотосурат.

Стажёр-тадқиқотчиликка талабгорларни танлаб олиш 2021 йилнинг декабрь ойида сўхбат орқали амалга оширилади.

Ҳужжатлар 2021 йил 15 октябргача қабул қилинади. Кириш имтиҳонлари 2021 йилнинг 1 — 25 ноябрь кунлари бўлиб ўтади.

Қўшимча маълумотларни 71-207-09-95 телефон рақами орқали олишингиз мумкин. <http://www.phd.mininnovention.uz/> тизимидан рўйхатдан ўтиш лозим.

**Манзилими:** Тошкент шаҳри, Университетлар кўчаси, 2-уй, Тошкент давлат техника университети, Илмий-тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш бўлими.

# ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ ҲУЗУРИДАГИ ФИСКАЛ ИНСТИТУТИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамасининг 2017 йил 22 майдаги «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 304-сонли қарорига мувофиқ 2022 йил учун таянч докторантура, докторантура ва мустақил изланувчиликка 08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит» ихтисослиги бўйича

### ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

#### Таянч докторантурага (PhD) талабгорлар учун керакли ҳужжатлар:

- ариза;
- қисқача биографик маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
- олий таълим муассасасининг магистратура, бакалаврият дипломлари ва уларнинг иловалари, олий маълумот (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси ва иловаси;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари.

#### Докторантурага (DSc) талабгорлар учун керакли ҳужжатлар:

- ариза;
- қисқача биографик маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
- олий маълумот, фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ёки хорижий давлатларда унга тенглаштирилган илмий даражага эга бўлганлиги тўғрисидаги диплом нусхаси;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари (фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий журналларда чоп этилган камиди учта илмий мақола ҳамда илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва тегишли илмий йўналишлар бўйича илмий ишлар тўпламларида камиди иккита тезис);
- тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси.

#### Фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчиликка талабгорлар тақдим қиладиган ҳужжатлар:

- қисқача биографик маълумотнома;
- олий таълим муассасасининг магистратура, бакалаврият дипломлари ва уларнинг иловалари, олий маълумот (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси ва иловаси;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
- илмий ишлар рўйхати ва уларнинг нусхалари;
- иш жойидан тавсифнома.

#### Фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчиликка талабгорлар тақдим қиладиган ҳужжатлар:

- қисқача биографик маълумотнома;
- олий маълумот (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
- илмий ишлар рўйхати ва уларнинг нусхалари;
- фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) дипломи ёки хорижда олинган унга тенглаштирилган бошқа илмий даражалар дипломи нусхаси;
- иш жойидан тавсифнома.

Ҳужжатлар 2021 йил 15 октябргача бўлган даврда қабул қилинади. Қўшимча маълумот олиш учун Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Фискал институтининг Илмий-тадқиқотлар бўлими (93-598-66-58)га (манзил: Тошкент шаҳри, Кичик халқа йўли кўчаси, 3-уй) мурожаат этиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси Қўмита аъзоси Нодира Жонибековга онаси

**Қизилой ЭШМАМАТОВ**нинг вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасини Қўмита аъзоси Зўҳра Шодидиева падари бузруквори

**Турсун ШОДИЕВ**нинг вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардлик изҳор этади.

**Халқ сўзи**  
Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 948. 31 673 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

Газетанимиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 71-233-52-55;  
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Тадбирнинг келган қўлаб-маълумот тақризи қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанимиз оқибат берилиши учун обунани расмийлаштирилган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термид ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақланади.

Газетанимизнинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуготчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Улуғмуродов.  
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машираббев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:  
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 21.50 Топширилди — 23.15 1 2 3 4 5 6